

Date: 19th December-2025

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ТИЗИМИ ВА УНИНГ
БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

Жабборов Олчинбек Нуриддин ўғли


Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Бухгалтерия ҳисоби кафедраси, таянч докторанти

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари 1973 йилда “Қўмита” сифатида ташкил этилган 2001 йилда “Кенгаш” сифатида қайта ташкил этилган Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгаш (International Accounting Standards Board (IASB)) томонидан ишлаб чиқилади. Кенгашнинг штаб квартираси Лондон шаҳрида жойлашган.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари жамғармаси (International Financial Reporting Standards Foundation (IFRS Foundation)) – Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгаш аъзоларини тайинловчи, молиялаштирувчи ва назорат қилувчи ташкилот ҳисобланади. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари жамғармаси молиявий ҳисобот халқаро стандартларини ишлаб чиқувчи МХХС бўйича Кенгаш фаолиятини молиялаштиради.

Шунингдек, 2021 йилда Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари жамғармаси томонидан унинг таркибий тузилмасига кирувчи Барқарор ривожланиш бўйича молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши (ISSB) ташкил этилган бўлиб, ушбу кенгаш ташкилотларнинг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи рисклар ва имкониятлар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботда ёритиш бўйича талабларни белгилайди.



Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгаш (IASB) томонидан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинган:

Date: 19th December-2025

1. Молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг концептуал асоси. (Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши томонидан 2010 йил сентябрда эълон қилинган, 2018 йил март ойида қайта кўриб чиқилган.

2. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS). (2001 йилга қадар Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS). 2001 йилдан бошлаб Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши томонидан ишлаб чиқилган.

4. Интерпретациялар (IFRIC и SIC). (Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини бир хил қўллаш бўйича тушунтиришлар)

Барқарор ривожланиш бўйича молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши (ISSB) томонидан 2023 йил 26 июнда қуйидаги дастлабки икки стандартни эълон қилди:

1. IFRS S1 “Барқарор ривожланиш билан боғлиқ молиявий ахборотни ёритишга қўйиладиган умумий талаблар”

2. IFRS S1 “Иқлим тўғрисидаги ахборотни ёритиш”

Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (IFRS – International Financial Reporting Standards) молиявий ҳисоботларни глобал миқёсда ягона тамойиллар асосида тайёрлашни таъминлашга қаратилган халқаро стандартлар тизимидир. Ушбу стандартларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш жараёни мураккаб ва аниқ белгиланган институционал бошқарув тузилмаси орқали амалга оширилади.

МХХС Жамғармаси (IFRS Foundation) IFRS тизимининг асосий бошқарув органи ҳисобланади. Ушбу орган **Назорат Кенгаши** (Monitoring Board) томонидан тайинланади ва унга ҳисобот беради. Trustees’нинг асосий мақсади IFRS стандартларининг мустақиллиги, шаффофлиги ва жаҳон молия бозорлари учун ишончлилигини таъминлашдан иборат. Шунингдек, улар МХХС бўйича кенгаш (IASB), Барқарор ривожланиш бўйича молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши (ISSB) ҳамда МХХС маслаҳат Кенгаши (IFRS Advisory Council) аъзоларини тайинлайди ва улар фаолиятини назорат қилади.

МХХС Кенгаши (IASB) халқаро молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқувчи асосий орган ҳисобланади. Ушбу Кенгашнинг вазифаси молиявий ҳисоботларда шаффофликни ошириш, молиявий ахборотнинг таққосланувчанлиги ва ишончлилигини таъминлашдан иборат. Кенгаш ўз фаолияти давомида **Интерпретациялар Қўмитаси** (IFRS Interpretations Committee) томонидан берилган талқинлардан фойдаланади **МХХС маслаҳат Кенгаши** (IFRS Advisory Council) маслаҳатларини инобатга олади.

Барқарор ривожланиш бўйича молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши барқарорлик ҳисоботи, атроф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) масалалари бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқади. ISSB фаолияти

Date: 19th December-2025

компанияларнинг барқарор ривожланишини баҳолаш ва молиявий бўлмаган ахборотларни молиявий ҳисоботлар билан уйғунлаштиришга қаратилган.

МХХС маслаҳат Кенгаши маслаҳат берувчи орган бўлиб, IASB ва ISSB учун стратегик ва амалий тавсиялар беради. Ушбу кенгаш орқали инвесторлар, аудиторлик ташкилотлари, молиявий институтлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг фикрлари стандартлар ишлаб чиқиш жараёнига жалб этилади.

Интерпретациялар Қўмитаси эса мавжуд МХХС стандартларини амалиётда қўллашда юзага келадиган ноаниқликлар бўйича расмий талқинлар ишлаб чиқади. Ушбу қўмита **МХХС Кенгаши** га ҳисобот беради ва стандартларнинг бутун дунёда бир хил талқин қилинишига хизмат қилади.

МХХС тизимидаги жараёнлар кетма-кетлиги қуйидагича амалга ошади: аввало Аввало, Назорат Кенгаши томонидан IASB, ISSB ва IFRS Advisory Council ташкил этилади. IASB ва ISSB стандартларни ишлаб чиқади, IFRS Advisory Council маслаҳат беради, IFRS Interpretations Committee эса стандартларнинг амалий қўлланилишини таъминлайди. Ушбу ўзаро боғлиқ жараёнлар натижасида жаҳон миқёсида шаффоф, ишончли ва таққосланадиган молиявий ҳисоботлар шакллантирилади.

